

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БАТИРОВА НИЛУФАР ШЕРКУЛОВНА

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА
МИНТАҚА САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ
(Тошкент вилояти мисолида)**

08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on economical sciences**

Батирова Нилуфар Шеркуловна

Инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида минтақа саноати
ривожланишининг йўналишлари (Тошкент вилояти мисолида)..... 3

Батирова Нилуфар Шеркуловна

Направления развития промышленности региона в условиях
формирования инновационной экономики (на примере Ташкентской
области)..... 27

Batirova Nilufar Sherkulovna

Directions of the development of the region's industry in the conditions of the
formation of an innovative economy (on the example of the Tashkent
region)..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 56

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БАТИРОВА НИЛУФАР ШЕРКУЛОВНА

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА
МИНТАҚА САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНING ЙЎНАЛИШЛАРИ
(Тошкент вилояти мисолида)

08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Iqt846 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва “Ziynet” ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Равшан Ваҳидович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Назаров Шарофиддин Хакимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Абдувосиқов Абдуазиз Абдулазизович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.01.11 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй, Тел.: (99871) 227-12-24, 246-02-24; факс: (99871) 246-90-80, e-mail: rector@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй, Тел.: (99871) 227-12-24, 246-02-24; факс: (99871) 246-90-80, e-mail: rector@nuu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2021 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Содиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қ.Қ. Мамбетжанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

А.В. Вахабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиёти амалиётида минтақалар саноатининг ривожланиш даражаси ва сифати ҳудудларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида мамлакат ҳудудлари ўртасида ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ва саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича тафовутнинг ортиб бориши кузатилмоқда. Жумладан, Хитойда аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми энг юқори ва энг паст минтақалари ўртасидаги фарқ 18 баробарни, Россияда 25, Европа Иттифоқида 4,2, АҚШда 1,7 ва Японияда 1,35 баробарни ташкил этмоқда¹. Таъкидлаш жоизки, ЯҲМнинг муҳим таркибий қисми бўлган саноатнинг ҳудудлар юқори иқтисодий ўсиш даражасига эришишида, илм-фан, техника ва бошқа соҳаларни ривожлантиришдаги аҳамияти ортиб бормоқда. Кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси кўшилган қийматни оширишга бўлган рағбат ҳудудлар саноатини янада ривожлантиришда фан-техника ва инновация ютуқларидан янада фаолроқ фойдаланиш муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) тадқиқотларида ҳудудларда илмталаб саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун фан-техника ютуқларидан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш ва инновацион фаолиятни рағбатлантиришни кўзда тутувчи илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратиш зарурати муҳим устуворлик касб этмоқда. Бу эса, ҳудудларда табиий ресурслар етишмаслиги ҳамда мунтазам равишда улар нархининг ошиб бориш шароитида саноат маҳсулотлари техник даражасини ошириш, юқори технологияли ва инновацион маҳсулотлар экспортини кўпайтириш, саноатни инновацион фаол ишлаб чиқариш асосида барқарор ўсиш босқичига олиб чиқиш, тадқиқотларнинг янги натижаларидан самарали фойдаланиш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистонда ислохотларнинг янги босқичида ҳудудлар саноати ривожланиши, бу соҳада технологик ва инновацион сиёсатни амалга ошириш ҳамда харажатларни камайтириш мақсадида юқори технологияларни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатда «...саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шаҳар ва вилоятларда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш»² ҳамда «ҳудудларда “драйвер” бўлган соҳаларни ривожлантириш»³га, хусусан, «маҳаллий саноатни ривожлантириш

¹ Конков А.Т. Неравенство регионов как проблема развития в России и Китае. Интернет-журнал СахГУ: «Наука, образование, общество». http://sakhgu.ru/wp-content/uploads/page/record_36653/2017_09/konkov.pdf; Динамика развития регионов Евросоюза. Бюллетень о текущих тенденциях мировой экономики. / под руководством Леонида Григорьева. Выпуск №27, декабрь 2019. <https://ac.gov.ru/files/publication/a/15671.pdf>; Дж.Блудорн и др. Увеличивающиеся разрывы: региональное неравенство в странах с развитой экономикой. Блог МВФ. <https://www.imf.org/ru/News/Articles/2019/10/09/blog-widening-gaps-regional-inequality-within-advanced-economies>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги ПФ-6244-сон «Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5449564>

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 3 августдаги жорий йилнинг биринчи ярмидаги иқтисодий таҳлил натижалари бўйича видеоселектер йиғилиши. <https://president.uz/uz/lists/view/4525>

бўйича мутлақо янги «вертикал» тизим жорий этишга эришиш⁴ вазифалари белгиланган. Бундай вазифаларни самарали ҳал этишда саноат тармоқларига илғор технологияларни жорий этиш, мамлакат ва унинг ҳудудларида инновацияни ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришга татбиқ этиш бўйича имкониятларни аниқлаш йўналишларида илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2021 йил 9 июндаги ПФ-6244-сон «Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги, 2017 йил 10 августдаги ПҚ-3194-сон «Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 802-сон «2019-2022 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Минтақалар саноатини ривожлантиришнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатлари ҳамда асосий йўналишлари хорижий мамлакат олимлари Ж.Боган, Р.Бошма, Ж.К.Гелбрейт, Ҳ.Канфеи, Ф.Перру, М.Портер, Р.Руттен, А.Смит⁵, инновацияларнинг ҳудудий саноат ишлаб чиқаришга таъсири эса Г.М.Хилхорст, Ҳ.Чаоран, И.Чжоу, Й.А.Шумпетер, М.Ж.Энрайт томонидан кенг ўрганилган⁶.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 30 апрелдаги ҳудудларда маҳаллий саноатни ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектер йиғилиши. <https://president.uz/uz/lists/view/4323>

⁵ Боган Ж. The role of industry-specific, occupation-specific, and location-specific knowledge in the growth and survival of new firms/PNAS//December 11, 2018. – 115 с.; Boschma R. How do regions diversify time? Industry relatedness and the development of new growth paths in regions. 2011; Гэлбрейт Ж.К. Новое индустриальное общество. Избранное. – М.: “Эксмо”, 2008. – 1200 с.; Zhou Yi, Canfei He. Regional industrial development in a dual-core industry space in China: The role of the missing service. Habitat International, Volume 94, 2019. P. 2-12.; Перру Ф. Экономическое пространство: теория и приложения // Пространственная экономика. №2. 2007 – С. 124-134; Porter, M (2003). The economic performance of regions. Regional studies, 37(6-7). P. 549-578; Rutten R. Knowledge and Innovation in Regional Industry: An Entrepreneurial Coalition (Routledge Studies in Global Competition Book 19) 1st Edition, Kindle Edition, 2019. P. 35-45.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Книги 1–3: – Москва: “Директ-Медиа”, 2014. – 442 с.

⁶ Hilhorst Jos G.M., Chaoran Hu. Industrialization and Local / Regional Development Revisited // Development and Change. – 2018. – Vol. – N 4. – P. 139–165; Шумпетер Й.А. История экономического анализа: в 3 т. – СПб.: Экономическая школа, 2003 – 494 с.; Enright M. J. Survey on the Characterization of Regional Clusters: Initial Results. - Working Paper, Institute of Economic Policy and Business Strategy: Competitiveness Program, University of Hong Kong, Sun Hung Kai, 2000. - 21 p.

Саноат ишлаб чиқаришининг иқтисодий ўсишга таъсири масалаларига В.В.Акбердина, Ф.В.Вазагова, В.И.Зинченко, З.Х.Кильчуков, Н.Колосовский⁷, инновацион ривожланишнинг ҳудудий саноат мажмуасини барқарор ривожланишидаги аҳамиятига М.И.Масленников, С.Н.Растворцева, О.А.Романова, А.И.Татаркин, С.Н.Яшин⁸ сингари МДХ давлатлари олимлари ўз илмий тадқиқот ишларида алоҳида эътибор қаратганлар.

Ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий изланишлари ҳам ушбу муаммони ўрганишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, Т.М.Ахмедов, М.А.Маҳкамова, Ш.Х.Назаров, А.М.Содиқов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.А.Қаюмов, А.М.Қодиров, Г.П.Фуломова ва бошқалар⁹ томонидан минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий-методологик жиҳатлари ўрганилган. Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ўсишига саноат ишлаб чиқаришининг таъсири А.Г.Абдуллаев, М.Ф.Махмудов, Ш.Х.Отабоев ва Н.Холматовнинг илмий ишларида ёритилган¹⁰. Шунингдек, мамлакат ҳудудларида саноатни ривожлантиришда инновациянинг аҳамияти борасидаги илмий ёндашувлар Ш.Зайнутдинов, Г.Хасанова, З.Ғаибназаровларнинг ишларида ўз аксини топган¹¹. Мазкур илмий изланишлар Ўзбекистон

⁷ Акбердина В.В. Промышленность индустриального региона. Потенциал, приоритеты и динамика экономико-технологического развития. – Екатеринбург: УрО РАН, 2014. – 632 с.; Вазагова Ф.В., Кильчуков З.Х. Роль отраслей промышленного комплекса в реализации новой модели развития экономики. // *Фундаментальные исследования*. 2015. – № 2-2. – С. 343-346; Зинченко В.И. Региональная система мониторинга инноваций. // *Инновации*. 2009. – № 1. – С. 27.; Колосовский Н.Н. Теория экономического районирования. – Москва: “Мысль”, 1969. – 335 с.

⁸ Масленников М.И. Технологические инновации и их влияние на экономику. Инновационный потенциал региона. // *Экономика региона*. 2017. – Т.13. вып.4. – С.1221-1235; Растворцева С.Н. Инновационный путь изменения траектории предшествующего развития экономики региона. // *Экономика региона*. 2020. – Т.16, вып.1 – С. 28-42; Романова О.А. Приоритеты промышленной политики России в контексте вызовов четвертой промышленной революции. Ч. 2. // *Экономика региона*. - 2018. - Т. 14, вып. 3. – С. 806-819; Татаркин А.И., Романова О.А., Яшин С.Н. Оценка уровня устойчивости инновационного развития регионального промышленного сектора. *Инновации* №12 (242), 2018. – С. 69-76.

⁹ Ахмедов Т.М. Управление территориальной организацией производительных сил и комплексным развитием регионов Узбекистана: иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент, 1992. – 26 б.; Маҳкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан: автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Ташкент, 2004. – 23 б.; Назаров Ш.Х. Эндогенные факторы конкурентоспособности региона и их эконометрическое тестирование. // *Регион: Экономика и Социология*, 2013. – С. 316-329.; Содиқов А.М. Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва уни тартибга солиш механизмлари: иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент, 2006. – 20 б.; Эгамбердиев Ф.Т. Совершенствование структуры производства на внутрирегиональном уровне // *Молодой ученый*. – 2016. – № 21-1. – С. 61-63.; Қаюмов А.А. ва б. Наука экономическая география и ее современное положение // *Экономика и финансы (Узбекистан)*, №10, 2019. – С. 42-59.; Қодиров А.М., Фуломова Г.П. ва б. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш. Монография. – Т.: “Iqtisodiyot” ДУК, 2013. – 436 б.

¹⁰ Абдуллаев А.Г. Озиқ-овқат саноати ривожланиши ва жойланишининг иқтисодий географик хусусиятлари (Хоразм вилояти мисолида); география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент, 2017. – 21 б.; Mahmudov M.F. Features of effective useage of industrial potential in Kashkadarya region. *Научные исследования*. №2 (28) (2019). P. 9-13; Отабоев Ш. Х. Ҳудудни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш ва уларни кластерлар ташкил этиш орқали амалга ошириш (Фарғона вилояти мисолида) // *Иқтисод ва молия (Ўзбекистон)*. – 2020. – №. 4 (136); Холматов Н. Ўзбекистонда саноатлашув жараёнининг омиллари, шарт-шароитлари ва истикболлари: монография. – Тошкент: “Илм-зиё-заковат”, 2020. – 242 б.

¹¹ Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси. // *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали*. №1, сентябрь, 2011. – 24 б.; Хасанова Г. Саноат корхоналари инновация фаолияти самарадорлигини ошириш: иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент, 2006. – 21 б.; Ғаибназарова З. Инновацион инвестициялаштириш самардорлигини оширишнинг назарий асослари: иқтисодиёт фанлари илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т., 2012. – 24 б.

минтақаларида саноатнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганишга сезиларли ҳисса қўшган. Аммо, иқтисодиётдаги ҳозирги тенденциялар минтақа саноат мажмуасини ривожлантириш бўйича янги ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади. Жумладан, минтақа саноат мажмуасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, унинг инновацион ривожланиш ҳолатини баҳолаш, инновация ва “ўсиш нуқта”ларига алоҳида эътибор қаратиш зарурати мазкур диссертация иши мавзусини танлашда асос сифатида хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон миллий университетининг Ф-1-101 «Глобаллашув шароитида минтақалар иқтисодиёти рақобатбардошлиги ўсишига методологик ёндашувлар» (2018-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида минтақа саноатининг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

минтақа саноат салоҳияти бўйича назарий ёндашувларни умумлаштириш асосида унинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;

минтақа саноат салоҳияти ва унинг инновационлик даражасига баҳо берувчи кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш;

мамлакат саноат мажмуасида Тошкент вилоятининг ўрнини таҳлил қилиш асосида саноатнинг инновационлик даражасига баҳо бериш;

Тошкент вилояти саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини унинг ихтисослашув, маҳаллийлаштириш ва кластер кўрсаткичларини баҳолаш асосида таҳлил қилиш;

минтақа саноатини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

минтақа саноатини инновацион ривожлантириш институтлари фаолиятини таҳлил қилиш;

Тошкент вилояти саноат ишлаб чиқариши ривожланишининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш;

минтақада саноат кластерлари, кичик саноат зоналари ва технопаркларни жойлаштириш бўйича таклифларни шакллантириш.

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент вилояти саноат мажмуаси олинган.

Тадқиқот предмети Тошкент вилояти саноат мажмуасини ривожлантириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида тизимли таҳлил, мантиқий фикрлаш, иқтисодий-статистик умумлаштириш, таҳлил ва синтез, қиёсий ва омилли таҳлил, жадвал ва график, эконометрик ва прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

минтақа саноати салоҳиятини комплекс баҳолаш услуги уни ташкил этувчи гуруҳ индекслари таркибига қўшимча кўрсаткичларни киритиб, уларнинг саноат ривожланишига таъсири даражасидан келиб чиққан ҳолда вазн бериш орқали умумий ҳудудий интеграл индексни шакллантириш ва унинг мезонларини экстремалга нисбатан «жуда яхши», «яхши», «ўртача», «ўртачадан паст» ва «ёмон» даражалар бўйича белгилаш асосида такомиллаштирилган;

Тошкент вилоятининг интенсив ривожланишини таъминлаш тизими турли хил шаклда йиғилган ҳудудий кўрсаткичларни таҳлил қилиш, минтақа саноатининг ривожланиш устунликлари ва йўналишларини аниқлаш, саноатни кластерлаш фаолиятини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш, саноат ривожланишини инновацион тараққиёт йўлига ўтказишдан иборат бешта босқичли, яхлит тизимлаштирилган моделни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

минтақада инновацион ваучерларни қўллаш, даромадни капиталлаштириш ва фойдани реинвестициялашга имтиёзлар татбиқ этиш орқали инновацияларни рағбатлантириш, форсайт марказлари, корпоратив университетлар ва технологиялар трансфери марказлари каби инновацион тузилмаларни шакллантиришга асосланган саноат мажмуасини ривожлантириш механизми ишлаб чиқилган;

инновацион технологияларнинг минтақа иқтисодиётига жорий этилиши билан бандликни таъминлаш омиллари ўртасида занжирни мувофиқлаштириш орқали 2030 йилгача Тошкент вилояти саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг уч хил сценарий бўйича кўп омилли прогноз параметрлари ишлаб чиқилган ҳамда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсишига инвестицион ва инновацион технологик харажатларнинг таъсири юқори эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

минтақада саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни баҳолашнинг услубий ёндашуви такомиллаштирилган;

минтақа саноати ривожланишида инновация жараёнларининг ўрни ва саноат ишлаб чиқариши ҳажми ортисининг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ошишига таъсири баҳоланган;

Тошкент вилояти туман ва шаҳарларининг ихтисослашув, маҳаллийлаштириш коэффициентларини ҳисоблаш ҳамда рақобат устунликларини баҳолаш, уларда инновацион кластерлар ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот натижаларидан ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

минтақа саноат тармоқларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Тошкент вилояти саноат ишлаб чиқаришининг 2021-2030 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган усул ва назарий ёндашувлар ҳамда ахборот

базаси Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг расмий маълумотларидан олинганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан минтақа саноатини инновацион ривожланишининг назарий-концептуал асослари ҳамда йўналишларини ишлаб чиқиш, ҳудудлар саноатини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳудудий саноатни ривожлантириш дастурларини шакллантириш, ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқаришида устунликларини ҳисобга олган ҳолда минтақавий ривожланиш дастурлари самарадорлигини ошириш, ҳудудларнинг туман ва шаҳарлари саноат тармоқлари инновацион салоҳиятини баҳолаш ва инновацион омилдан самарали фойдаланиш истиқболларини белгилашда ҳамда олий таълим тизимида «Минтақавий иқтисодиёт», «Ўзбекистон иқтисодиёти», «Инновацион иқтисодиёт» ва «Хорижий мамлакатларда инновацион тараққиёт ва рақамли иқтисодиёт» фанларидан ўқув материалларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида минтақа саноати ривожланишининг устувор йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

минтақа саноати салоҳиятини комплекс баҳолаш услуги уни ташкил этувчи гуруҳ индекслари таркибига қўшимча кўрсаткичларни киритиб, уларнинг саноат ривожланишига таъсири даражасидан келиб чиққан ҳолда вазн бериш орқали умумий ҳудудий интеграл индексни шакллантириш ва унинг мезонларини экстремалга нисбатан «жуда яхши», «яхши», «ўртача», «ўртачадан паст» ва «ёмон» даражалар бўйича белгилаш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳудудларни баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ва унинг иловаларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 1 майдаги 03-10-04492-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 3 июндаги 02/10-03-10/10-2288-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида мамлакатимизнинг саноат ривожланиши нисбатан паст бўлган туманларини аниқлаш ҳамда уларда инновацион салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкони яратилган;

Тошкент вилоятининг интенсив ривожланишини таъминлаш тизимини турли хил шаклда йиғилган ҳудудий кўрсаткичларини таҳлил қилиш, минтақа

саноатининг ривожланиш устунликлари ва йўналишларини аниқлаш, саноатни кластерлаш фаолиятини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш, саноат ривожланишини инновацион тараққиёт йўлига ўтказишдан иборат бешта босқичли, яхлит тизимлаштирилган моделни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 августдаги 634-сонли «Тошкент вилояти кичик саноат зоналарини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори иловаларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 1 майдаги 03-10-04492-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида вилоятда кичик саноат зоналарини кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилган, шу асосда ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринлари яратилган;

тадқиқот ишида ишлаб чиқилган минтақада инновацион ваучерларни қўллаш, даромадни капиталлаштириш ва фойдани реинвестициялашга имтиёзлар татбиқ этиш орқали инновацияларни рағбатлантириш, форсайт марказлари, корпоратив университетлар ва технологиялар трансфери марказлари каби инновацион тузилмаларни шакллантиришга асосланган саноат мажмуасини ривожлантириш механизидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 802-сонли «2019-2022 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 1 майдаги 03-10-04492-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 1 февралдаги 08/01-09-32/33-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида вилоятнинг саноат салоҳияти ошиши ва инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳисобига, 2019 йилда инновацион маҳсулотлар ҳиссасининг 2018 йилга нисбатан 111,7 фоиз ошишига эришилган;

инновацион технологияларнинг минтақа иқтисодиётига жорий этилиши билан бандликни таъминлаш омиллари ўртасида занжирни мувофиқлаштириш орқали 2030 йилгача Тошкент вилояти саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг уч хил сценарий бўйича ишлаб чиқилган кўп омилли прогноз параметрларидан 2030 йилгача мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш концепциясининг «худудий ривожланиш» қисмини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 3 июндаги 02/10-03-10/10-2288-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида худудлар саноатини комплекс ривожлантиришдаги устувор йўналишларни ишлаб чиқишга эришилди ҳамда уларнинг амалга оширилиши истиқболда худудий саноатни ривожлантириш стратегиясининг яратилиши ва қўшимча лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича фаолиятнинг жадаллашувига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бир қатор илмий анжуманларда, жумладан, 9 та халқаро ва 24 та республика

илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 58 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, шу жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ишининг умумий ҳажми 142 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, мавзу доирасида чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Минтақа саноати инновацион ривожланишининг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида саноат инновацион модели шаклланишининг назарий-услубий асослари, минтақа саноати салоҳияти, уни ривожлантириш омиллари, инновацион ривожланиш даражасини баҳолашнинг услубий асослари ва минтақа саноатини хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Инновацион фаолият тўғрисида»ги Қонунда таъкидланганидек: «Инновацион фаолият янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек, ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият»¹² ҳисобланади. Шу кунга қадар минтақа саноатини ривожлантириш бўйича амалга оширилган хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг¹³ илмий изланишларида мазкур тадқиқот ишида илгари сурилган минтақа саноатини инновацион ривожлантириш масаласи етарли даражада тадқиқ этилмаган. Жумладан, Ш.Жўраев томонидан минтақа саноати ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқотида инновацион ривожланиш омилларидан фақатгина асосий ишлаб чиқариш фондларининг саноат ривожланишига таъсири ўрганилган¹⁴.

¹² «Инновацион фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://lex.uz/ru/docs/4910391>

¹³ Боган Ж. The role of industry-specific, occupation-specific, and location-specific knowledge in the growth and survival of new firms /PNAS//December 11, 2018 №115 (50), Қодиров А.М. ва б. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш. Монография. – Тошкент: “Iqtisodiyot” ДУК, 2013. – 436 б.; Холматов Н. Ўзбекистонда саноатлашув жараёнининг омиллари, шарт-шароитлари ва истикболлари. Монография. – Тошкент: Илм-зиё-заковат, 2020. – 242 б.

¹⁴ Жўраев Ш.С. Ўзбекистон саноат ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари. География фанлари бўйича

Минтақа саноатининг инновация салоҳияти ушбу минтақанинг аниқ мақсадга йўналтирилган ва ташқи муҳит билан доимий алоқада бўлган ўзаро боғлиқ элементлар тўпламини ривожлантириш учун инновацион фаолиятни амалга оширишда зарур бўлган омиллардан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш имкониятидир. Инновация салоҳияти маълум бир ҳудуд доирасида мустақил фаолият юритувчи, минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланувчи, товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, шунингдек, бошқарув тизими ва механизмига эга хўжалик субъектларининг замон талабига мос ҳолда ривожланиб бориш хусусиятларини англатади.

Тадқиқотда минтақа саноати ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган, механизмлар ва уларни ташкил этувчи дастаклар тизимлаштирилган. Бунда саноат, инновацион салоҳият, минтақа саноатининг ривожланиш назарияларига оид иқтисодчи олимларнинг фикр ва ёндашувлари таҳлил қилинган (1-жадвал).

Ҳудудларнинг ривожланишида алоҳида ўринга эга саноат тармоғи бўйича «минтақа ядросининг шаклланиши» (Ж.Фридман), «минтақа саноатининг ўсиш кутблари ва ривожланиш маркази» (Фр.Перру), «марказий ўрин» (В.Кристаллер), «минтақавий стратегия», «рақобатбардошлик стратегияси» (М.Портер), «иқтисодий районлаштириш» (Н.Н.Колосовский), «иқтисодий ривожланиш» (Й.Шумпетер), «ишлаб чиқаришни жойлаштириш» (В.Лаунхардт), «узун тўлқинлар» (Н.Д.Кондратьев), «худудий кластер» (М.Энрайт), «кумулятив ўсиш» (Г.Мюрдаль), «тармоққа боғлиқлик» (П.А.Девид), «индустириал районлар модели» (А.Маршалл), «саноат штандортлари» (А.Вебер), «тармоқлар назарияси» (А.Фишер, К.Кларк, Ж.Фурастье), «ўсиш кутблари назарияси» (Г.Мюрдаль, А.Хиршман), «тасодифий ўсиш назарияси» (Ж.Эллисон, Е.Глейзер, Т.Холмс) тизимли равишда ўрганилган.

М.Портернинг тадқиқотларида «саноат кластерларини ривожлантириш ҳамда саноат корхоналарида мунтазам равишда, ихтиролар яратиш ва инновацияларни жорий этиш жараёнлари меҳнат унумдорлигини юқори даражада сақлаб туришга таъсир кўрсатган ҳолда минтақа саноатининг инновацион ривожланишига олиб келади»¹⁵, деб изоҳланган. М.Энрайт эса, «минтақа саноатини ривожлантиришда тарихий шарт-шароит, ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари муҳим аҳамиятга эга»¹⁶ эканлигини илмий асослаб берган.

Шунингдек, тадқиқотлар натижасида кўпгина хориж давлатларида (АҚШ, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Франция, Ҳиндистон, Россия) минтақа саноатини ривожлантиришда, хусусан, инновацион омилнинг таъсирини кучайтиришда давлатнинг роли ва молиявий кўмаги ҳамда солиқ имтиёзлари алоҳида ўрин тутганлиги аниқланган.

фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2019. - 24 б.

¹⁵ Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. // ЎзФА, Иқтисодиёт институти; и.ф.д., проф. А.Ф.Расулев таҳрири остида.– Т.: "Konsauditinform-nashr", 2011. – 72-б.

¹⁶ Enright M.J. Why Clusters are the Way to Win the Game // World link. N 5July/N.4, August

Минтақа саноати ва унинг инновацион ривожланишига оид замонавий ёндашувлар¹⁷

| Минтақа саноатининг ривожланиши | Минтақа саноатининг инновацион ривожланиши |
|--|---|
| Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг юқори даражада ошишини таъминлашда саноат ва унга йўналтирилган инвестицияларнинг юқори даражада ошиши, тараққиётнинг ташқи ва ички омиллари ҳисобига саноатда чуқур тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади (Дж.Кейнс, Дж.Хикс, У.Ростов, Р.Харрод, Е.Домар) | Минтақа саноат мажмуаси инновацион ривожланишининг устун томони саноатнинг илмий-техник даражасини ошириш, инновациядан технологик занжирни шакллантиришда фойдаланиш, ўзаро тармоқлар доирасида интеграцияни кучайтириш, саноат ва савдога ихтисослашувни чуқурлаштириш ҳамда саноат кластерларини шакллантириш ҳисобланади (М.К.Бандман) |
| Кластерли ёндашув бутун дунёда минтақавий саноат сиёсатининг энг самарали воситаларидан бири (М.Афанасьев) | Минтақа саноатини инновацион ривожлантиришда давлатнинг роли алоҳида аҳамият касб этади (Г.Менш) |
| Минтақадаги саноатнинг етакчи тармоқлари «асосий омил» сифатида бошқа тармоқлар учун «марказ» вазифасини бажаради (С.Ю.Глазьев) | Инновация минтақа саноат мажмуини интенсив ривожлантиришнинг бош омилдир (С.Ю.Глазьев, Р.С.Гринберг, А.И.Татаркин) |
| Минтақа саноатини ривожлантиришда тарихий шарт-шароит, бизнес юритиш маданиятининг турли-туманлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга (М.Энрайт) | «Инновациялар» ва «технологияларни ўзлаштириш» жараёнлари биргаликда амалга ошириш ҳамда мотивация тизими яхши йўлга қўйилиши минтақадаги саноат корхоналарининг инновацион ривожланишига олиб келиши мумкин (В.В.Иванов) |
| Жамият барча аъзоларининг асосий эҳтиёжларини саноат тармоғига инвестиция киритиш ва минтақавий тараққиётнинг транзакцион харажатларини камайтириш ҳисобига кондириш мумкин (М.Вебер, А.Тойнби, К.Виттфогель, Г.Мюрдаль, К.Поланья, Р.Коуз) | Минтақа саноатининг инновацион ривожланиши ташқи (макроиқтисодий, демографик, жойлашув омилли, ижтимоий-маданий, технологик, сиёсий-ҳуқуқий, инфратузилма ва талаб шартлари) ва ички омилларга (молиявий-иқтисодий, ишлаб чиқариш-технологик, кадрлар, бошқарув, таъминот, сотув) боғлиқ (Ю.П.Морозов) |
| Ишлаб чиқаришнинг технологик босқичларига кўра тармоқнинг ҳудудий бўлиниши - турли тармоқ корхоналарининг бирлашуви натижасида ишлаб чиқаришнинг ҳудудий бирлашмалари ташкил топишига олиб келишидир (Ш.Жўраев) | Минтақада саноатининг инновацион ривожланишида саноат кластерларини ривожлантириш зарурат бўлиб, саноат корхоналарининг фаолияти ва фойда олишида уларнинг тармоқдаги ўсиш даражаси ва бозордаги ҳиссаси энг асосий кўрсаткичлар сифатида ўрганилмаслиги, балки бозорни яхшилаб ўрганиш лозим (М.Портер) |
| Минтақа саноатини ривожлантиришда ҳудуднинг иқтисодий имкониятлари, географик жойлашув омиллари муҳимдир (А.Ортиқов) | Ҳудуднинг саноат ишлаб чиқариш салоҳияти табиий ва меҳнат ресурслари, асосий капитал, фан-техника тараққиётининг ўзаро таъсири жараёнида шаклланади ва бунда инновация муҳим аҳамият касб этади (М.Махмудов) |
| Бир минтақа доирасида саноат корхоналарининг зарур моддий техника, ахборот, молиявий ва инсон ресурслари каби омиллардан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш жараёни (Муаллиф таърифи) | Минтақада инновацион инфратузилмаларни шакллантириш асосида саноатда модернизация жараёнларини ривожлантириш ва инновацион тараққиёт босқичларини босиб ўтиш жараёни (Муаллиф таърифи) |

¹⁷ Муаллиф томонидан тузилган

Маҳаллий иқтисодчилар тадқиқотларида¹⁸ саноатнинг муҳим тармоқлари ҳамда саноат мажмуасини ривожлантиришда қулай макро, мезо ва микроиқтисодий муҳитнинг зарурати ёритиб берилган. Саноатни ривожлантиришда таркибий ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратиш зарурати, минтақа саноатини ривожлантиришда мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари, географик жойлашув омиллари муҳим эканлиги кўрсатилган¹⁹.

Аммо, муаллиф фикрича, ҳудуд саноатини ривожлантиришда фақатгина бу омиллар етарли эмас. Тадқиқотда илмий назария ва фикрларнинг қиёсий таҳлили асосида ҳудудлар саноатини ривожлантиришда инновация ҳамда унинг ривожланишига кенг имтиёз ва афзалликлар берилиши жараёни кутилаётган иқтисодий самарага олиб келиши мумкинлиги асосланган. Шунингдек, минтақа саноатини ривожлантиришда «интеллектуал омил» ва «ўсиш» нуқталарига эътибор қаратган ҳолда «фан сиғими» юқори бўлган юқори технологик саноат тармоғини ривожлантириш бўйича қулай шарт-шароитларни таъминлаш ва инновация-инвестиция жараёнларини жадаллаштириш бўйича ислохотларни амалга ошириш талаб этилишининг назарий жиҳатлари ёритилган.

Муаллиф томонидан жуда кўп хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар тадқиқотлари ўрганилиб, ҳудуд саноати ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг сифат кўрсаткичини баҳолаш услуби такомиллаштирилган. Бунда муаллиф минтақа саноатини баҳолашда сифат ва инновация омилларига алоҳида эътибор қаратиб, унинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни баҳоловчи кўрсаткичларни инновационлик нуқтаи назаридан такомиллаштирган. Мавжуд кўрсаткичларга қўшимча равишда, янги кўрсаткичлар тизими таклиф этилиб, улар қуйидаги гуруҳларга ажратилди: ишлаб чиқариш фондлари ҳолати (6 та кўрсаткич), меҳнат ресурслари (6 та кўрсаткич), инвестициявий таъминот (7 та кўрсаткич), инновацион технологик омил (14 та кўрсаткич), натижавийлик кўрсаткичи (6 та кўрсаткич). Ҳар бир кўрсаткич муаллиф томонидан таклиф этилган қуйи чегарага нисбатан пропорционал асосда ҳисобланади ва индекс топилади²⁰ ($Y_i(\max)=2$).

$$Y_i = \frac{X_i}{X_i^a} \quad (1)$$

Бу ерда: i – кўрсаткич номи, Y_i – i – кўрсаткич бўйича натижа, X_i – ҳудуднинг i - кўрсаткичи, X_i^a – i – кўрсаткичнинг белгиланган меъёр чегараси. Ҳар бир гуруҳ таркибидаги кўрсаткичларга саноат ривожланишини ўлчашда муҳимлигидан келиб чиқиб вазн берилган (вазннинг умумий қиймати 100 фоизга тенг). Мазкур вазнларни ҳисобга олган ҳолда ўртача геометрик баҳолаш орқали гуруҳнинг индекс кўрсаткичи топилади:

¹⁸ Fazliddinovich M. M. Features of effective usage of industrial potential in Kashkadarya region. // Научные исследования. – 2019. – №. 2 (28).; Олимов М. Ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда саноат ишлаб чиқаришининг аҳамияти. // Архив научных исследований. – 2020. – №. 21.; Салимов Б. Ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришда кичик саноат зоналарининг (КСЗ) ўрни ва аҳамияти. // Архив научных исследований. – 2020. – №. 25.

¹⁹ Мамажонов Д.Г. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат тармоғининг бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари. Архив научных исследований. 1, 27 (июл. 2020). – С. 9-9.

²⁰ Муаллиф ҳисоб-китоблари ва эксперт баҳолаш натижасида чегара белгиланган

$$I_i = \frac{1}{\sum_{j=1}^n w_j} \sqrt{\prod_{j=1}^n Y_j^{w_j}} \quad (2)$$

Бу ерда: I_i – белгиланган гуруҳ индекси, w_j – i гуруҳ таркибидаги j – кўрсаткичнинг вазни.

Ҳар бир гуруҳ учун индекс натижаси аниқлангандан сўнг минтақа саноати ривожланишининг умумий индекси топилади. Бунда ҳам ҳар бир гуруҳ учун ҳисобланган алоҳида индексларга вазнлар берилади: масалан, инновацион технологик омил – 30 фоиз, инвестициявий таъминот – 25 фоиз, ишлаб чиқариш фондлари ҳолати – 15 фоиз, натижавийлик кўрсаткичи – 15 фоиз, меҳнат ресурслари – 15 фоиз²¹.

Барча кўрсаткичларнинг умумий индекс натижаси ўртача геометрик баҳолаш орқали ҳисоблаб топилади:

$$I^{industry} = \frac{1}{\sum_{i=1}^m w_i} \sqrt{\prod_{i=1}^m I_i^{w_i}} \quad (3)$$

Бу ерда: $I^{industry}$ – минтақа саноатини ривожланиш умумий индекси, w_i – I_i – гуруҳ индекси вазни ($i=1$ дан m гача).

Ҳисоб-китоблар натижасида ҳудуднинг саноат салоҳияти ва унинг инновационлик даражаси баҳоланганда, олинган натижа $0,8 < I^{industry} < 1$ оралиғида бўлса, «жуда яхши» ҳолат, $0,6 < I^{industry} < 0,8$ оралиғида «яхши», $0,4 < I^{industry} < 0,6$ оралиғида «ўрта» (баъзи ўзгаришларни талаб қилади), $0,2 < I^{industry} < 0,4$ оралиғида «ўртадан паст» (саноат мажмуасининг юқори бўлмаган даражаси билан характерланади), $0 < I^{industry} < 0,2$ оралиғида «ёмон» (тубдан ўзгаришларни талаб қилади) деб ҳисобланади.

Муаллиф томонидан юқорида таклиф қилинган минтақа саноат салоҳияти ва унинг инновационлик даражасини баҳолаш услуби ҳудудий саноат ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилади ҳамда мавжуд ресурслардан фойдаланиш имконияти даражасини таҳлил қилишга асос бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Тошкент вилояти саноати салоҳияти ва ривожланиш тенденциялари**»га бағишланган. Унда вилоятнинг саноат салоҳияти, унинг ривожланиш тенденциялари, тармоқ, шаҳар ва туманлар кесимидаги таҳлили ҳамда саноатни ривожлантиришда инновацияларнинг самарасини баҳолаш натижалари баён этилган. Хусусан, Тошкент вилоятининг республика иқтисодиётида тутган ўрни, саноатнинг тармоқ таркиби ва уларнинг тавсифи ёритилган.

Вилоят мамлакат саноатининг 17,6 фоизини, электроэнергетика, цементнинг асосий қисмини, республика бўйича кўмирнинг 93,6 фоизи, оҳак тошнинг 30,1 фоизини ишлаб чиқарувчи энг илғор минтақалардан биридир. Вилоят республика металлургия саноатининг 36,0 фоизини, металл рудаларнинг 38,96 фоизини ишлаб чиқармоқда. Вилоят балиқ, пишлоқ ва сут маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари, спиртли ичимликлар, гўшт ва

²¹ Муаллиф ҳисоб-китоблари ва эксперт баҳолаш натижасида чегара белгиланган

қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича республикада алоҳида ўринга эга.

Амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра, вилоятнинг иқтисодий кўрсаткичлари, яъни, ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯҲМ), саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда инвестиция кўрсаткичларининг аҳоли жон бошига қиймати, ўтган даврга нисбатан ўзгариши республика кўрсаткичларидан юқорилиги ҳамда уларнинг юқори салмоғи минтақанинг устунлигини акс эттиради.

Вилоятнинг ЯҲМ мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10,8 фоизини, аҳоли жон бошига эса, 21113,1 минг сўмни ташкил этиб, юқори даражада сақланиб қолмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент вилояти иқтисодий тармоқлари ривожланиш кўрсаткичлари ²²

| Йиллар | Минтақа номи | ЯИМ (ЯҲМ) | | | Саноат | | | Қишлоқ хўжалиги | | | Инвестиция | | |
|--------|--------------|-----------------------------|--------------------------|--------------------|-----------------------------|--------------------------|------------------------|-----------------------------|--------------------------|------------------------|-----------------------------|--------------------------|--------------------|
| | | Аҳоли жон бошига (минг сўм) | Ўтган йилга нисбатан (%) | Жамидаги улуши (%) | Аҳоли жон бошига (минг сўм) | Ўтган йилга нисбатан (%) | ЯИМ(ЯҲМ)даги улуши (%) | Аҳоли жон бошига (минг сўм) | Ўтган йилга нисбатан (%) | ЯИМ(ЯҲМ)даги улуши (%) | Аҳоли жон бошига (минг сўм) | Ўтган йилга нисбатан (%) | Жамидаги улуши (%) |
| 2000 | Ўзбекистон | 132,1 | 103,8 | 100 | 76,6 | 105,9 | 16,2 | 56,2 | 103,1 | 34,4 | 30,2 | 101,0 | 100 |
| | Тошкент в. | 148,9 | 110,9 | 10,8 | 129,3 | 108,8 | 21,9 | 78,5 | 101,9 | 39,9 | 25,6 | 102,1 | 8,1 |
| 2005 | Ўзбекистон | 608,5 | 107 | 100 | 421,5 | 107,2 | 23,7 | 206,2 | 106,2 | 29,5 | 121,0 | 105,7 | 100 |
| | Тошкент в. | 740,0 | 103,8 | 11,4 | 718,2 | 100,1 | 27,3 | 337 | 113,7 | 30,5 | 137,2 | 101,9 | 10,7 |
| 2010 | Ўзбекистон | 2763,7 | 107,1 | 100 | 1334,6 | 108,5 | 18,7 | 611,8 | 106,0 | 30,6 | 583,2 | 104,2 | 100 |
| | Тошкент в. | 2463,1 | 112,8 | 9,7 | 1910,2 | 108,1 | 27,6 | 797,6 | 102,7 | 33,9 | 618,2 | 104,0 | 9,8 |
| 2015 | Ўзбекистон | 7072,2 | 107,2 | 100 | 3118,3 | 107,9 | 19,1 | 1473,4 | 106,1 | 32,1 | 1431,7 | 109,4 | 100 |
| | Тошкент в. | 7956,6 | 105,9 | 10,0 | 5187,3 | 108,1 | 27,6 | 1908,4 | 103,8 | 33,7 | 1595,0 | 99,3 | 9,9 |
| 2016 | Ўзбекистон | 8020,1 | 105,9 | 100 | 3512,6 | 106,2 | 19,5 | 1634,9 | 106,1 | 32,1 | 1608,6 | 104,1 | 100 |
| | Тошкент в. | 8491,7 | 104,7 | 9,4 | 5998,0 | 105,6 | 30,0 | 2134,4 | 101,9 | 33,6 | 1507,5 | 87,0 | 8,3 |
| 2017 | Ўзбекистон | 9802,1 | 104,4 | 100 | 4594,7 | 108,0 | 21,1 | 2145,2 | 101,2 | 32,2 | 2227,8 | 119,4 | 100 |
| | Тошкент в. | 10255,2 | 101,0 | 9,2 | 7624,6 | 102,7 | 32,9 | 1592,5 | 97,1 | 32,9 | 2087,2 | 118,4 | 8,2 |
| 2018 | Ўзбекистон | 12887,7 | 105,4 | 100 | 7141,0 | 116,6 | 25,3 | 6054,7 | 100,3 | 30,0 | 3769,6 | 129,9 | 100 |
| | Тошкент в. | 13965,5 | 106,8 | 9,5 | 13099,3 | 114,8 | 40,6 | 7428,4 | 99,1 | 29,1 | 3898,4 | 139,9 | 9,0 |
| 2019 | Ўзбекистон | 15764,9 | 105,7 | 100 | 9604,9 | 105 | 28,1 | 5181,2 | 103,1 | 26,9 | 5834,6 | 138,1 | 100 |
| | Тошкент в. | 18939,3 | 107,3 | 10,4 | 18315,4 | 107,3 | 47,5 | 5940,4 | 100,6 | 24,7 | 6970,0 | 158,5 | 10,4 |
| 2020 | Ўзбекистон | 17601,9 | 101,7 | 100 | 10723,2 | 100,7 | 27,4 | 4233,1 | 103,0 | 27,1 | 5900,9 | 91,8 | 100 |
| | Тошкент в. | 21113,1 | 102,6 | 10,8 | 21821,6 | 103,8 | 48,4 | 5940,5 | 102,1 | 24,8 | 6399,9 | 82,8 | 9,4 |


Бу кўрсаткич ўртача мамлакат даражасининг 124,6 фоизини ташкил этади. ЯҲМ таркибида саноат улуши кўпайиб бормоқда. Унинг ҳиссаси мамлакат ЯИМдаги ҳиссаси кўрсаткичидан юқори даражада сақланиб қолмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар вилоятнинг экспорт салмоғи (12,7 фоиз) жиҳатидан республикада етакчи (иккинчи) ўринни

²² <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/metadata-2> ва <https://www.toshvilstat.uz/uz/default/axborotnomalar/> 6384-2021-3 маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

эгаллаш имконини бермоқда²³.

2020 йилларда саноат тармоғида ўртача кўшимча ўсиш 7,1 фоизни ташкил этди. Metallургия мажмуаси маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ошиши эса бу тармоқларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши кўпайиши, товарлар экспорти таркибида қора ва рангли металлларнинг ҳиссаси 57,5 фоизга етишига олиб келди²⁴.

Вилоят ҳудудларида озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё ҳамда металлургия саноати вилоят саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 71,3 фоизни ташкил этган ҳолда минтақа саноатининг умумий ривожланишига асосий таъсир кўрсатмоқда. Электр энергияси тармоғининг саноатдаги ҳиссаси 9,1 фоиз атрофида бўлиши, металлургиянинг 17,5 фоиздан 44,0 фоизга кўтарилиши замонавий корхоналарнинг самарали фаолият юритаётганини билдиради. Кимё ва нефть кимёси, ёқоч ва қоғоз, қурилиш материаллари саноати тармоқларини ҳиссасида деярли ўзгариш бўлмаган бўлса-да, бу соҳаларда ҳам кўпгина иқтисодий ислохотлар амалга оширилган (1-расм).



1-расм. Тошкент вилояти саноат тармоқларининг умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси (фоизда)²⁵

Мазкур йиллар давомида саноат соҳасидаги юқори ўсиш суръатлари маълум маънода машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қора металлургия, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноатида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳисобига амалга оширилди.


Вилоят 15 та туман ҳамда 7 та шаҳардан иборат. Бу вилоят туманларининг саноат салоҳияти ривожланганлиги нуқтаи назаридан республиканинг бошқа вилоятларига қарашли туманларидан юқори ҳисобланади. Минтақадаги ҳудудларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси турличалиги

²³ <https://www.stat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/5708-choraklik-natijalar-2020#yanvar-dekabr>

²⁴ <https://www.toshvilstat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/6367-2020#yanvar-dekabr>

²⁵ <https://www.toshvilstat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2> ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

вилоятда саноат ишлаб чиқаришининг нотекис тақсимланганини кўрсатади. Вилоятнинг учта шахрида (Олмалик, Бекобод ва Чирчиқ) бутун ҳудуднинг 56 фоиз саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади (2-расм).



2-расм. Минтақа ҳудудларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши²⁶ (фоиз)

Саноат ишлаб чиқаришда кам ҳиссани ташкил этувчи туманлар эса (Охангарон, Бўка, Бекобод, Қуйичирчиқ, Чиноз, Паркент, Пискент) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг салкам ярмини (42,6 фоиз) ташкил қилади. Ҳудудларнинг йиллар давомида минтақа саноати ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси деярли ўзгармаган. Бу эса, вилоят туманларининг маълум бир қисми саноатга, бошқалари эса, қишлоқ хўжалигига ихтисослашганини кўрсатади.

Тадқиқот ишида ҳудуднинг саноат ишлаб чиқариш салоҳияти уч босқичда баҳоланди: биринчи босқичда, вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашув, маҳаллийлаштириш ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи саноат коэффицентлари ҳисоблаб чиқилди. Учта коэффицентнинг ўзаро биргаликдаги таҳлиliga кўра, минтақада саноат кластерларини тузишга кўпроқ металлургия саноати (3,34; 2,04; 4,15), мебель (2,1; 1,3; 2,66), кимё (1,07; 0,64; 1,28), озиқ-овқат (1,46; 0,89; 1,81) ва тўқимачилик (0,98; 0,6; 1,22) саноати тармоқлари мойиллиги аниқланди. Иккинчи босқичда, кластер салоҳияти сифат жиҳатдан баҳоланди ва саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рентабеллиги ҳисобланди. Учинчи босқичда, ишлаб чиқариш кластерлари ривожланишининг устувор йўналишлари ажратиб олинди ва саноат кластерларининг асосий иштирокчилари, мақсад ва вазифалари, ўзаро алоқалари белгилаб олинди.

Шунингдек, ушбу босқичда минтақа саноат тармоғининг инновацион

²⁶ <https://www.toshvilstat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2> ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

ривожланиш ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражаси таҳлил қилинди. Вилоятда ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотларнинг республикадаги ҳиссаси ортиб борганлиги аниқланди. 2015 йилда бу кўрсаткич 10,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 13,7 фоизга етган. Шу билан бирга, инновацион саноат маҳсулотлари таркибида такомиллаштирилган инновацион маҳсулотлар ҳиссаси катта бўлиб, 2015-2020 йиллар давомида бу кўрсаткич мос равишда 17,6 фоиздан 46,7 фоизгача ортган, аввалги даврга нисбатан ўзлаштирилган инновациялар ҳиссаси 2015 йилда 71,1 фоиздан 2020 йилда 41,1 фоизгача камайган. Биринчи марта ўзлаштирилган инновациялар ҳиссасининг ўзгариши таҳлил даврида бир хил тенденцияга эга бўлмаган, энг юқори кўрсаткич 2018 йилга тўғри келиб (41,8 фоиз), бу ушбу даврда амалга оширилган фаол инвестиция сиёсати натижасидир²⁷.

Таҳлиллар натижаси минтақанинг инновацион ривожланиши учун вилоятда яратилаётган янги технология ва дастурий воситалар ҳажми ҳозирги кунда кам бўлганлиги боис ташқаридан сотиб олишга талаб юзага келганлигини кўрсатди. Инновацион маҳсулот ва хизматлар ҳажмини кўпайтириш ҳамда саноат тармоғида юқори технологияли саноат маҳсулотлари ҳиссасини ошириш учун вилоятда технологик, ташкилий ва маркетинг инновацияларга харажатларни йўналтириш жараёни самарали амалга ошмоқда. Аммо ЯХМга нисбатан технологик харажатларнинг паст ҳиссани ташкил этиши, асосий воситалар эскиришининг юқори фоизи, малакали ишчиларнинг танқислиги саноатнинг инновацион фаолиятини амалга ошириш йўлида баъзи қийинчиликлар вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш, янги технологиялар ва дастурий воситаларни сотиб олишга умумий харажатларнинг жуда кам миқдори йўналтирилганлиги (0,75 фоиз) аниқланди.

Туман ва шаҳарларнинг инвестицион жозибадорлик ва аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш индекслари ҳисоблаб чиқилди ҳамда гуруҳларга ажратилди (3-жадвал). Шаҳарларда йирик ишлаб чиқариш объектлари жойлашганлиги сабабли инвестицияларнинг деярли ярми шаҳарларга йўналтирилгани, минтақа ва унинг туманлари инвестицион жозибадорлиги шунга деярли мос тарзда эканлигини кузатиш мумкин. Саноат мажмуасининг ривожланиш даражаси Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ, Оҳангарон, Ангрен шаҳарлари ва Зангиота тумани саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича бошқа туман ва шаҳарлардан яққол устунликка эгаллигини кўрсатади. Ушбу ҳудудларда фойдали қазилмалар кўплиги, саноатга ихтисослашганлиги, меҳнат салоҳияти ҳамда инвестицияларнинг йўналтирилганлик даражаси юқорилиги бу ҳолатга асосий таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади.

²⁷ 2018 йилда Ўзбекистон Республикасининг илмий-техник салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” статистик бюллетени. Давлат статистика кўмитаси, Таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва инновация соҳаларида статистик кузатувлар бўлими. № 15-12. 25.05.2018. - 339 б., 206-бет ва Ўзбекистонда илм-фан ва инновацион фаолият. 2015-2019. Давлат статистика кўмитаси, Таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва инновация соҳаларида статистик кузатувлар бўлими. – Тошкент, 2020. – 138 б., 63-72- бетлар ҳамда <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2> асосида муаллиф ҳисоб китоби

**Худудларнинг саноат мажмуаси ривожланиш даражасига кўра
гуруҳланиши²⁸**

| Саноат ривожланиши юқори бўлган худудлар | Саноат ривожланиши нисбатан юқори бўлган худудлар | Саноат ривожланиши ўрта бўлган худудлар | Саноат ривожланиши паст бўлган худудлар | Саноат ривожланиши нисбатан паст бўлган худудлар |
|--|--|---|--|---|
| Ангрен шаҳри Олмалик шаҳри Бекобод шаҳри Чирчиқ шаҳри Оҳангарон шаҳри Зангиота тумани | Нурафшон шаҳри Янгийўл шаҳри Қибрай тумани Бўстонлик тумани | Тошкент тумани Янгийўл тумани Чиноз тумани Ўртачирчиқ тумани Юқоричирчиқ тумани | Бўка тумани Паркент тумани Пискент тумани Куйичирчиқ тумани | Оққўрғон тумани Оҳангарон тумани Бекобод тумани |

Иккинчи ва учинчи гуруҳдаги шаҳар ва туманлар ҳам саноат ишлаб чиқариш бўйича етарли даражада имкониятга эга. Сўнгги икки гуруҳга кирувчи туманлар қишлоқ хўжалигига ихтисослашган худудлар сифатида саноат ривожланишининг паст даражасига эга эканлиги билан асосланади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Минтақа саноатининг инновацион ривожланишини таъминлаш истиқболлари**» деб номланиб, унда минтақа саноатини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, вилоятнинг туман ва шаҳарларида инновацион саноат кластерларини ташкил этиш, бу соҳада қўллаб-қувватловчи институтлар фаоллигини таъминлаш йўналишларини аниқлаш, саноат ишлаб чиқариш ҳажмини прогнозлаш моделини ишлаб чиқишга бағишланган.

Иккинчи бобда амалга оширилган таҳлил ва ҳисоб китоблар асосида вилоят саноатини ривожлантириш модели тузилди ҳамда унда саноатни ривожлантириш стратегияси заруратини асослаш қамраб олинган бўлиб, унинг ҳар бир босқичи бўйича ривожланиш йўналишлари ишлаб чиқилди (4-жадвал). Минтақанинг саноат мажмуасини ривожлантиришда кўпгина худудларда ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларини амалга ошириш, бу йўналишда иштирокчиларнинг самарали фаолиятини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Бусиз минтақа саноатини инновацион ривожлантириш жараёни фақатгина расмий жараён бўлиб қолиши мумкин. Технологик модернизациялаш стратегиясининг асосий қисми юқори ва янги саноат тармоқларини шакллантириш бўйича тармоқлараро дастурларни шакллантириш, базавий тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор муҳим дастурларни ўз ичига олиши лозим.

Саноат мажмуасини ривожлантиришнинг аниқ белгиланган йўналишлари, фақатгина саноатга ихтисослашган шаҳарларда эмас, балки қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманларида ҳам амалга ошириши лозимлиги таъкидланди. Жумладан, туман ва шаҳарларда саноат мажмуасини технологик модернизациялаш босқичлари, мақсад ва вазифалари тақлиф этилди.

²⁸ <https://www.toshvilstat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Минтақа саноатининг инновацион ривожланиш модели²⁹

| Муаммонинг қўйилиши ва минтақа саноатини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш заруратини асослаш | | |
|---|---|---|
| 1. Ахборот базаси ва бошланғич ҳолат таҳлили | | |
| Маълумотларни йиғиш ва минтақа саноатини мавжуд ҳолати таҳлили | Минтақада саноат ишлаб чиқариш ҳолатини ва ривожланиш тенденцияларни таҳлил қилиш | Тармоқдаги муаммоларни аниқлаш ва ривожланиш прогнозларини тузиш |
| Минтақа саноатини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини белгилаш | | |
| 2. Минтақа саноатини ривожланиш устунликларини аниқлаш | | |
| SWOT таҳлилинини амалга ошириш | Мақсадларни аниқлаш | Устувор йўналишларни белгилаш |
| Минтақа саноатини ривожлантиришнинг асосий принциплари, механизмлари ва воситаларини ишлаб чиқиш | | |
| 3. Минтақа саноат мажмуасини ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш | | |
| Минтақа саноат корхоналарида илмталаб ишлаб чиқаришни ривожлантириш | Минтақа саноат мажмуасининг кадр ресурслари ривожланиши ва инвестиция жалб этиш | Ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш учун шароитларни шакллантириш. |
| Минтақа саноат комплексини ривожлантириш механизминини ишлаб чиқиш | | |
| 4. Минтақа саноатини кластерлаш фаолиятини миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш | | |
| Кластер коэффицентини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш | Ишлаб чиқариш кластерлари ривожланишининг устувор йўналишларини ажратиб олиш | Кластерларнинг асосий иштирокчилари, мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш |
| Технологик модернизациялаш босқичлари, мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш | Юқори ва янги саноат тармоқларини шакллантириш бўйича тармоқлараро дастурларни шакллантириш | Юқори технологияли саноат тармоғида инновацион фаол корхоналарни шакллантириш |
| 5. Минтақа саноати ривожланишинини инновацион тараққиёт йўлига ўтказиш | | |
| Инновацион тузилмалар ва инновацион хизматларни ишлаб чиқарувчи субъектларни кўпайтириш, инновацион жараён иштирокчилари фаолиятини фаоллаштириш | | |
| Вилоятнинг саноат тармоғида ривожланишни таъминлашга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш ва бу йўналишда турли хил объектларни ўзаро таъсир қилиш имконини яратиб берувчи муҳитни яратиш | | |

Бу модель асосида саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш давлат ва саноат ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда олий таълимнинг ўзаро ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш бўйича бозор инфратузилмаларини ташкил этиш, вилоятда саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Илмий технологик кластерларни ривожлантириш марказлари, саноатни ривожлантирувчи жамғарманинг йўналиш ҳамда вазифалари белгилаб берилди.

Ҳудуддаги саноат корхоналарининг технологик инновацияларга харажатлар таркибининг таҳлили инновацион фаолият турлари бўйича номуносивликлар мавжудлигини кўрсатди. Тошкент вилоятида технологик инновацияларга

²⁹ Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган

харажатларнинг 76 фоизи машина ва ускуналарни сотиб олишга йўналтирилган³⁰. Худуднинг саноат мажмуасининг инновацион фаолиятига баҳо берилганида, таҳлиллар асосида унинг инновацион фаоллик нуқтаи назаридан паст кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди. Шу сабабли минтақа саноат мажмуаси инновация тизимининг шаклланиши ва ривожланишининг ташкилий иқтисодий механизмлари таклиф этилди. Муаллиф томонидан таклиф этилаётган инновацион тузилмаларни шакллантиришни рағбатлантирувчи янги ташкилий-иқтисодий механизм минтақани инновацион ва технологиялар бозорида ўз ўрнини эгаллашига хизмат қилади.

Тавсия этилган механизмлар ва улар доирасида ишлаб чиқилган чоратadbирлар вилоят саноат мажмуаси самарадорлигини ошириш имконини беради. Минтақада инновацион саноат шакллари ташкил этиш, шунингдек, мавжудларини такомиллаштириш муаммолари вилоят саноат мажмуасини ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг асосий йўналишларини белгилайди.

Бу соҳада биринчи йўналиш инвестиция лойиҳаларининг давлат томонидан фаол равишда қўллаб-қувватланишидир. Бу инвестор корхоналарнинг фойда солиғини камайтириш, инновацион ваучерларни тақдим этишни тақозо этади. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда юзага келувчи мураккаб жараёнлар даврида ташкилий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи йўналиш саноат мажмуаси корхоналари учун ишчилар, мутахассислар ва бошқарув кадрларини тайёрлаш жараёнидир. Корхона ва таълим муассасаларининг ўзаро алоқасини ривожлантириш, корпоратив университетларни ташкил этиш ҳамда мазкур масала бўйича норматив-ҳуқуқий тартибга солишнинг мукамаллашуви ҳам алоҳида эътибор талаб этади.

Учинчи йўналиш сифатида илмий тадқиқот мажмуаси, инновация фаолияти, уларни иқтисодий рағбатлантириш тизими ва корхоналар ривожланишини таъминлашдир. Бунда асосий вазифа вилоятдаги корхоналарни халқаро кооперация жараёнига жалб этиш, энг яхши тажрибаларнинг жадал алмашинувини рағбатлантиришдан иборат.

Тўртинчи йўналиш инновацион сиёсатни амалга ошириш бўйича шароит яратишдир. Бу ерда асосий вазифа инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун ресурсларни жалб қилиш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини ривожлантириш, турли даражадаги инновацион фондларни яратишдир.

Бешинчи йўналиш сифатида инновацион тузилма, яъни инновацияларни яратиш ва муваффақиятли амалга ошириш жараёнида бевосита иштирок этувчи ташкилотлар тўпламини, инновацион фаолиятнинг ташкилий шакллари яратиш лозим. Шунингдек, институционал технологиялар, саноат тизими элементларининг ўзаро матрицали алоқасини аниқлаш, субъектлар ўртасида муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш ва барқарор ишбилармонлик муҳитини таъминлаш ҳисобланади.

Тадқиқот ишида минтақа саноат мажмуасини ривожлантириш

³⁰ Ўзбекистон илм-фан ва инновацион фаолият. 2015-2019. Давлат статистика қўмитаси, Таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва инновация соҳаларида статистик кузатувлар бўлими. - Тошкент, 2020. - 63-72 б. маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

механизмларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда, вилоят саноат тармоқларини 2021-2030 йилларда ишлаб чиқариш ҳажмининг прогноз параметрлари сценарий вариантлари ишлаб чиқилди. Биринчи босқичда вилоят ЯХМ ҳажми ошишига саноатнинг таъсири таҳлил қилинди, бунда қуйидаги формуладан фойдаланилди:

$$GRP_t = \beta_0 + \sum_{i=1}^n \beta_i X_{it} + \sum_{j=1}^m \varphi_j Z_{jt}^c + \epsilon_t \dots\dots\dots(4)$$

бу ерда: GRP_t – ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг реал ошиши, X_t – мустақил ўзгарувчилар вектори (саноат ўсиш суръати, қишлоқ хўжалигининг ривожланиш суръати, хизмат кўрсатиш ривожланиши ва бошқалар) ва Z_j^c – шартли мустақил ўзгарувчилар вектори, $\beta_0, \beta_i, \varphi_j$ – коэффициентлар.

Таҳлил натижаларига кўра, Тошкент вилоятининг ЯХМ реал ўсишида саноат ривожланиши муҳим аҳамият касб этиши, хусусан, саноат соҳасида ишлаб чиқариш ҳажмининг 1 фоизга ошиши, ЯХМ ҳажмининг 0,24 фоиздан 0,30 фоизгача ошишига ҳисса қўшиши аниқланди. Вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасининг талаб даражасида ривожланмаётгани, ҳудудда қишлоқ хўжалиги таъсирининг юқори даражаси сақланиб қолаётганлигини кўрсатди (5-жадвал).

5-жадвал

Саноат ривожланиши ва ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ошиши ўртасидаги боғлиқлик³¹

| GRP | M1 | M2 | M3 | M4 | M5 |
|-------------------------------------|-------------------|------------------|------------------|------------------|-------------------|
| Саноат ривожланиши, фоизда | 0.24* (1.83) | 0.28** (2.16) | 0.28** (2.32) | 0.30** (2.50) | 0.24** (2.16) |
| Хизмат кўрсатиш ривожланиши, фоизда | | 0.13 (1.44) | 0.06 (0.68) | 0.08 (0.84) | |
| Қишлоқ хўжалиги ривожланиши, фоизда | | | 0.27* (1.84) | 0.31* (2.12) | 0.46*** (3.05) |
| Аҳоли сони ошиши, фоизда | | | | 1.40 (1.27) | |
| Ишчи кучи, минг киши | | | | | 0.0085* (1.78) |
| Констант | 4.83*** (4.26) | 3.09* (1.89) | 2.69 (1.74) | 0.59 (0.26) | -9.79 (-1.31) |
| R ² | 0.1567 | 0.2484 | 0.3799 | 0.4397 | 0.4672 |
| Prob > F | 0.0840 | 0.0883 | 0.0488 | 0.0558 | 0.0157 |

Изоҳ: * – 90 фоиз, ** – 95 фоиз, *** – 99 фоиз эҳтимоллик ишонч даражаси билан коэффициентларнинг статистик аҳамияти.


Тадқиқот ишида саноатнинг ЯХМ ўсишига таъсирининг аҳамияти аниқлангандан сўнг, прогноз параметрлари ҳисоблаб чиқилди. Прогноз учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, инвестициялар, саноатда бандлар сони ва технологик инновацион харажатлар сингари ўзгарувчи омиллар танлаб олинди. Бундай омиллар ўртасида кучли боғланиш аниқланди (энг кичик боғланиш кўрсаткичи 0,682 га тенг). Инвестициялар ва технологик инновацион харажатларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришига таъсири ҳам 5 фоизли муҳимлилик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлиги аниқланди. Ҳисоб-китоблар асосида қуйидаги регрессия тенгламаси тузилди:

³¹ Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган
24

$$S_t = -5524.10 + 2.19I_t + 29.21B_t + 0.01T_t \quad (5)$$

Бу тенгламадан кўришиб турибдики, йиллик инвестиция ҳажмининг ўртача бир миллиард сўмга ошиши, саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ўртача 2,19 миллиард сўмга ошишига олиб келади. Бандлар сонининг ўртача минг кишига ошиши эса, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртача 29,21 млрд. сўмга ошишини кўрсатмоқда. Технологик инновацион харажатларнинг бир миллион сўмга ошиши, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртача 0,01 млрд. сўмга ошишига олиб келади.

Шунингдек, тадқиқот ишида саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 2021-2030 йиллардаги прогнози амалга оширилди ҳамда учта сценарий (инерцион, оптимистик ва пессимистик) ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Тошкент вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 2021-2030 йиллардаги кўрсаткичлари прогнози (ўтган йилга нисбатан фоизда)³²

Ишлаб чиқилган сценарийлар учун моделдаги мустақил ўзгарувчиларнинг 2000-2020 йиллардаги динамикаси ҳамда 5-тенгликда берилган регрессия тенгламаси асос сифатида хизмат қилди. Бунда сценарийлар, асосан, инвестициялар ва технологик инновацион харажатларнинг ошиш суръатларига кўра фарқланади. Хусусан, оптимистик сценарийда инерцион ва пессимистик сценарийларга нисбатан фаол инвестиция сиёсати ҳамда инновацион харажатларнинг тез суръатларда (16.2 фоиз) ошиб бориши назарда тутилган. Бунда оптимистик ва пессимистик сценарийлар бўйича ҳисобланган саноат маҳсулотлари ҳажми 2030 йилга келиб, қарийб икки баробар фарқ қилишини кузатиш мумкин. Демак, Тошкент вилоятида саноат тармоғини ривожлантиришнинг асосий локомотиви бу инновацион технологияларнинг минтақа иқтисодиётига жорий этилиши ҳамда ҳудуд миқёсида фаол инвестиция сиёсатининг давом эттирилишидир.

ХУЛОСА

1. Инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида минтақа саноати ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилди, уларни белгиланган

³² Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган

стандартлар талаблари даражасида такомиллаштириш йўллари илмий жиҳатдан асосланди ҳамда ахборот имкониятлари кенгайтирилди. Жаҳон амалиётида минтақа саноати ривожланиши ва уни баҳолаш йўллари кўрсатиб берилди.

2. Минтақа саноатининг инновация салоҳияти деганда, минтақанинг инновацион фаолиятини амалга ошириш учун зарур моддий техника, ахборот, молиявий ва инсон ресурсларига эга бўлиши ва улардан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш имконияти тушунилади.

3. Минтақа саноати салоҳиятини комплекс баҳолаш услуги инновацион технологик омилар, инвестицион таъминот, меҳнат ресурслари ҳамда ишлаб чиқариш фондлари ҳолатини баҳолаш кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда тизимли гуруҳларга ажратилди ва натижавийлик кўрсаткичлари нуқтаи назаридан такомиллаштирилди.

4. Кластерлаш фаолиятини миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш тизимини қўллаган ҳолда Тошкент вилояти туманларида инновацион саноат кластерлари ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш таклифлари берилди ҳамда улар асосида бешта босқичли ҳудуд саноатини ривожлантириш модели таклиф этилди.

5. Минтақа иқтисодий салоҳияти таҳлилинини амалга ошириш ва инновацион ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, инқироз шароитида минтақа фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими такомиллаштирилди.

6. Минтақа саноати ривожланишига таъсир кўрсатувчи асосий фондлар билан таъминланганлиги ва сифат даражаси, кадрлар салоҳияти, инвестиция билан таъминланиш даражаси каби омиларни таҳлил қилиш асосида вилоятнинг туман ва шаҳарлари саноат бўйича ривожланиш имкониятини тавсифловчи гуруҳларга ажратилди.

7. Минтақа саноатининг инновационлик даражаси ва рақобатбардошлигига таъсир этувчи омилар аниқланиб, тизимлаштирилди ва уларнинг таъсир даражаси эконометрик усулда ҳисобланди.

8. Минтақа саноат ишлаб чиқариши ва инновацияларни ўзаро мутаносиб ривожлантиришни рағбатлантириш тизими, технологик трансфер марказлари, венчур фондлари, саноат мажмуасида инновацион фаолиятни молиялаштирувчи институтлар каби инновацион тузилмаларни ташкил этишни кўзда тутувчи ташкилий-иқтисодий механизмлар такомиллаштирилди.

9. Тошкент вилоятида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, инвестициялар ҳажми, саноатда бандлар ва технологик инновацион харажатларни ўзаро боғловчи прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш натижасида иқтисодий ўсиш нуқтаси сифатида минтақа саноатини ривожлантиришда қўлланилувчи кўрсаткичлар тизими такомиллаштирилди. Ҳисоб-китобларга кўра, минтақа саноати ҳажмининг 1 фоизга ошиши ЯХМнинг 0,24-0,30 фоизга ошишига ҳисса қўшиши аниқланди.

10. Саноат тармоғига инновацион технологияларни жорий этган ҳолда ҳудудда фаол инвестиция сиёсатидан самарали фойдаланиш асосида Тошкент вилояти саноат ишлаб чиқаришининг 2030 йилгача уч хил сценарийдаги прогноз кўрсаткичларининг истиқболли йўналишлари белгиланди ва минтақа саноатини ривожлантиришга таъсир этувчи омилли кўрсаткичлар аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.03/30.12.2019.I.01.11 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

БАТИРОВА НИЛУФАР ШЕРКУЛОВНА

**НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПРОМЫШЛЕННОСТИ РЕГИОНА В
УСЛОВИЯХ ФОРМИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ
(на примере Ташкентской области)**

08.00.12 – Региональная экономика

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по экономическим наукам

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2019.1.PhD/Iqt846 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nuu.uz) и Информационно - образовательном портале "Ziynet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Абдуллаев Равшан Вахидович**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Назаров Шарофиддин Хакимович**
доктор экономических наук, профессор
Абдувосиков Абдуазиз Абдулазизович
кандидат экономических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет**

Защита диссертации состоится « ___ » _____ 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета №DSc.03/30.12.2019.I.01.11 по присуждению учёных степеней при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, дом 4. Тел.: (99871) 227-12-24, 246-02-24; факс: (99871) 246-90-80, e-mail: rector@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано под № _____). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, дом 4. Тел.: (99871) 227-12-24, 246-02-24; факс: (99871) 246-90-80, e-mail: rector@nuu.uz.

Автореферат диссертации разослан « ___ » _____ 2021 года.

(реестр протокола рассылки № ___ от « ___ » _____ 2021 года)

А.М.Содиков

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

К.К.Мамбетжанов

Учёный секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, доцент

А.В.Вахабов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В практике мировой экономики уровень и качество развития промышленности регионов становятся основными факторами обеспечения устойчивого социально-экономического прогресса регионов. На современном этапе развития наблюдается увеличение разрыва между регионами страны по валовому региональному продукту (ВРП) и объему промышленного производства. В частности, в Китае показатели ВРП на душу населения развитых регионов превышают в 18 раз показатели наименее развитых регионов, в России эта разница равна 25, в Европейском Союзе - 4,2, в США-1,7 и в Японии-1,35³³. Необходимо подчеркнуть, что возрастает значение промышленности, являющейся важной составляющей ВРП, в развитии науки, техники и других отраслей, в достижении регионами высокого уровня экономического роста. Опыт многих стран показывает, что стимулы к повышению добавленной стоимости имеют важное значение в процессе дальнейшего развития промышленности регионов, более активного использования достижений научно-технического прогресса и инноваций.

Важным приоритетом в исследованиях международных организаций, в частности организации промышленного развития ООН (UNIDO), является необходимость обращения особого внимания на научные исследования, предусматривающие эффективное использование достижений науки и техники в производстве и стимулирование инновационной деятельности для развития наукоёмкого промышленного производства. Это обуславливает необходимость проведения комплексных научных исследований по повышению технического уровня промышленной продукции, увеличению экспорта высокотехнологичной и инновационной продукции, выведению промышленности на устойчивый уровень роста на основе активного с инновационной точки зрения производства, а также эффективному использованию новых результатов исследований в условиях нехватки и регулярного повышения цен природных ресурсов в регионах.

В Узбекистане на новом этапе реформ особое внимание уделяется развитию промышленности регионов, внедрению высоких технологий в целях осуществления технологической и инновационной политики, а также уменьшения затрат в этой сфере. В стране обозначены задачи по достижению «...укрепления промышленного потенциала и комплексного развития регионов, организации новых производств в городах и областях»³⁴, а также «развития сфер, являющихся «драйверами» в регионах»³⁵, в частности «внедрение

³³ Конков А.Т. Неравенство регионов как проблема развития в России и Китае. Интернет-журнал СахГУ: «Наука, образование, общество». http://sakhgu.ru/wp-content/uploads/page/record_36653/2017_09 /konkov.pdf; Динамика развития регионов Евросоюза. Бюллетень о текущих тенденциях мировой экономики. / под руководством Леонида Григорьева. Выпуск №27, декабрь 2019. <https://ac.gov.ru/files/publication/a/15671.pdf>; Дж.Блудорн и др. Увеличивающиеся разрывы: региональное неравенство в странах с развитой экономикой. Блог МВФ. <https://www.imf.org/ru/News/Articles/2019/10/09/blog-widening-gaps-regional-inequality-within-advanced-economies>.

³⁴ Указ Президента Республики Узбекистан от 9 июня 2021 года № УП-6244 “О дополнительных мерах по повышению промышленного потенциала регионов”. <https://lex.uz/docs/5449564>

³⁵ Видеоселекторное совещание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева по итогам экономического анализа за первое полугодие текущего года от 3 августа 2021 года. <https://president.uz/uz/lists/view/4525>

совершенно новой «вертикальной» системы по развитию местной промышленности»³⁶. В эффективном решении этих задач особое значение имеет углубление научных исследований в области внедрения передовых технологий в промышленные отрасли, а также выявление возможностей развития инноваций и их внедрения в производство в стране и её регионах.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 9 июня 2021 года № УП-6244 «О дополнительных мерах по повышению промышленного потенциала регионов», в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2017 года № ПП-3182 «О первоочередных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов», № ПП-3194 от 10 августа 2017 года «О создании малых промышленных зон в Ташкентской области» а также в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 24 сентября 2019 года № 802 «О дополнительных мерах по развитию промышленного потенциала Ташкентской области на 2019-2022 годы» и в других нормативно-правовых документах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий I. “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”.

Степень изученности проблемы. Научно-методические и практические аспекты и основные направления развития промышленности регионов широко изучены учёными зарубежных стран, такими как Ж.Боган, Р.Бошма, Ж.К.Гелбрейт, Х.Канфеи, Ф.Перру, М.Портер, Р.Руттен, А.Смит³⁷, вопросы влияния инноваций на региональное промышленное производство были исследованы такими учеными, как Г.М.Хилхорст, Х.Чаоран, И.Чжоу, Й.А.Шумпетер, М.Ж.Энрайт³⁸.

Вопросы влияния промышленного производства на экономический рост исследованы учёными стран СНГ, такими как В.В.Акбердина, Ф.В.Вазагова,

³⁶ Видеоселекторное совещание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева по обсуждению мер развития местной промышленности в регионах от 30 апреля 2021 года. <https://president.uz/uz/lists/view/4323>

³⁷ Боган Ж. The role of industry-specific, occupation-specific, and location-specific knowledge in the growth and survival of new firms/PNAS//December 11, 2018. – 115 с.; Boschma R. How do regions diversify time? Industry relatedness and the development of new growth paths in regions. 2011; Гэлбрейт Ж.К. Новое индустриальное общество. Избранное. – М.: “Эксмо”, 2008. – 1200 с.; Zhou Yi, Canfei He. Regional industrial development in a dual-core industry space in China: The role of the missing service. Habitat International, Volume 94, 2019. P. 2-12.; Перру Ф. Экономическое пространство: теория и приложения // Пространственная экономика. №2. 2007 – С. 124-134; Porter, M (2003). The economic performance of regions. Regional studies, 37(6-7). P. 549-578; Rutten R. Knowledge and Innovation in Regional Industry: An Entrepreneurial Coalition (Routledge Studies in Global Competition Book 19) 1st Edition, Kindle Edition, 2019. P. 35-45.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Книги 1–3: – Москва: “Директ-Медиа”, 2014. – 442 с.

³⁸ Hilhorst Jos G.M., Chaoran Hu. Industrialization and Local / Regional Development Revisited // Development and Change. – 2018. – Vol. – N 4. – P. 139–165; Шумпетер Й.А. История экономического анализа: в 3 т. – СПб.: Экономическая школа, 2003 – 494 с.; Enright M. J. Survey on the Characterization of Regional Clusters: Initial Results. - Working Paper, Institute of Economic Policy and Business Strategy: Competitiveness Program, University of Hong Kong, Sun Hung Kai, 2000. - 21 p.

В.И.Зинченко, З.Х.Кильчуков, Н.Колосовский³⁹, а также М.И.Масленников, С.Н.Растворцева, О.А.Романова, А.И.Татаркин, С.Н.Яшин⁴⁰ сфокусировали свое внимание на важность инновационного развития в устойчивом развитии регионального промышленного комплекса.

В свою очередь, научные исследования учёных-экономистов нашей страны также внесли свой вклад в изучение этой проблемы. В частности, в научных работах отечественных учёных, таких как Т.М.Ахмедов, М.А.Махкамова, Ш.Х.Назаров, А.М.Содиқов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.А.Қаюмов, А.М.Кодиров, Г.П.Гулямова⁴¹ и др. были освещены теоретические и методологические аспекты социально-экономического развития регионов. Вопросы влияния промышленного производства на социально-экономический рост регионов были отражены в научных трудах таких ученых, как А.Г.Абдуллаев, М.Ф.Махмудов, Ш.Х.Отабоев и Н.Холматов⁴². А также, научные подходы к значимости инноваций в развитии промышленности были отражены в трудах таких учёных как, Ш.Зайнутдинов, Г.Хасанова, З.Гаибназарова⁴³. Данные научные

³⁹ Акбердина В.В. Промышленность индустриального региона. Потенциал, приоритеты и динамика экономико-технологического развития. – Екатеринбург: УрО РАН, 2014. – 632 с.; Вазагова Ф.В., Кильчуков З.Х. Роль отраслей промышленного комплекса в реализации новой модели развития экономики. // *Фундаментальные исследования*. 2015. – № 2-2. – С. 343-346; Зинченко В.И. Региональная система мониторинга инноваций. // *Инновации*. 2009. – № 1. – С. 27.; Колосовский Н.Н. Теория экономического районирования. – Москва: “Мысль”, 1969. – 335 с.

⁴⁰ Масленников М.И. Технологические инновации и их влияние на экономику. Инновационный потенциал региона. // *Экономика региона*. 2017. – Т.13. вып.4. – С.1221-1235; Растворцева С.Н. Инновационный путь изменения траектории предшествующего развития экономики региона. // *Экономика региона*. 2020. – Т.16, вып.1 – С. 28-42; Романова О.А. Приоритеты промышленной политики России в контексте вызовов четвертой промышленной революции. Ч. 2. // *Экономика региона*. - 2018. - Т. 14, вып. 3. – С. 806-819; Татаркин А.И., Романова О.А.; Яшин С.Н. Оценка уровня устойчивости инновационного развития регионального промышленного сектора. *Инновации* №12 (242), 2018. – С. 69-76.

⁴¹ Ахмедов Т.М. Управление территориальной организацией производительных сил и комплексным развитием регионов Узбекистана: иктисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент, 1992. – 26 б.; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан: автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Ташкент, 2004. – 23 б.; Назаров Ш.Х. Эндогенные факторы конкурентоспособности региона и их эконометрическое тестирование. // *Регион: Экономика и Социология*, 2013. – С. 316-329.; Содиқов А.М. Ўзбекистон минтакаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва уни тартибга солиш механизмлари: иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент, 2006. - 20 б.; Эгамбердиев Ф. Т. Совершенствование структуры производства на внутрорегиональном уровне // *Молодой ученый*. – 2016. – № 21-1. – С. 61-63.; Қаюмов А.А. ва б. Наука экономическая география и ее современное положение // *Экономика и финансы (Узбекистан)*, №.10, 2019. - С. 42-59.; Қодиров А.М., Гуломова Г.П. ва б. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш. Монография. – Т.: “Iqtisodiyot” ДУК, 2013. – 436 б.

⁴² Абдуллаев А.Г. Озиқ-овқат саноати ривожланиши ва жойланишининг иқтисодий географик хусусиятлари (Хоразм вилояти мисолида); география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент, 2017. – 21 б.; Mahmudov M.F. Features of effective usage of industrial potential in Kashkadarya region. *Научные исследования*. №2 (28) (2019). P. 9-13; Отабоев Ш. Х. Худудни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш ва уларни кластерлар ташкил этиш орқали амалга ошириш (Фарғона вилояти мисолида) // *Иқтисод ва молия (Ўзбекистон)*. – 2020. – №. 4 (136).; Холматов Н. Ўзбекистонда саноатлашув жараёнининг омиллари, шарт-шароитлари ва истикболлари: монография. – Тошкент: “Илм-зиё-заковат”, 2020. – 242 б.

⁴³ Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси. // *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали*. №1, сентябрь, 2011. – 24 б.; Хасанова Г. Саноат корхоналари инновация фаолияти самарадорлигини ошириш: иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент, 2006. – 21 б.; Гаибназарова З. Инновацион инвестициялаштириш самардорлигини оширишнинг назарий асослари: иқтисодиёт фанлари илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т., 2012. - 24 б.

исследования внесли значительный вклад в изучение особенностей развития промышленности в регионах Узбекистана. Однако современные тенденции в экономике диктуют необходимость разработки новых подходов к развитию промышленного комплекса региона. Наряду с этим, необходимость совершенствования организационно-экономического механизма формирования и развития промышленного комплекса региона, оценки состояния его инновационного развития, необходимость обращения особого внимания на инновации и «точки роста» в развитии промышленности региона послужили основанием для выбора темы данной диссертационной работы.

Связь исследования с планом научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в рамках фундаментального проекта Национального университета Узбекистана Ф-1-101 «Методологические подходы повышения конкурентоспособности экономик регионов в условиях глобализации» (2018-2020 гг.).

Целью исследования является разработка научно обоснованных предложений и рекомендаций по обеспечению устойчивого развития промышленности региона в условиях формирования инновационной экономики.

Задачи исследования заключаются в следующем:

на основе обобщения теоретических подходов к промышленному потенциалу региона выявление факторов, влияющих на него развитие;

совершенствование системы показателей по оценке промышленного потенциала региона и уровня его инновационности;

оценка уровня инновационности промышленности на основе анализа роли Ташкентской области в промышленном комплексе страны;

анализ потенциала промышленного производства Ташкентской области на основе оценки ее уровня специализации, локализации и кластерных показателей;

разработка научно обоснованных предложений по совершенствованию организационно-экономических механизмов развития промышленности региона;

анализ деятельности институтов по инновационному развитию промышленности региона;

